

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ”

кафедраси

“ТЕХНАЛОГИЯ ТАЪЛИМ ПРАКТИКУМИ”

фанидан

ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАНМАЛАРИ

Билим соҳаси:	100 000 – гуманитар
Таълим соҳаси:	110000 – педагогика
Таълим йўналиши:	5112100 – меҳнат таълими

Гулистон – 2018 йил

1 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:
“Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар” мавзусидаги
лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида билади.</p> <p>1.2.2. Асбобсозлик пўлатларга қўйиладиган талаблар уларнинг турлари маркаланиши ишлатилиши билан танишади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Адгезия, иш унумдорлиги, чидамлилик, Лигерланган пўлатлар.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниклайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниклаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Асбобсозлик материалларнинг оташбордошлиги нима билан характерланади? • Лигерланган пўлатлар таркибида қандай элементлар мавжуд? • Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун қандай қотишмалар ишлатилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Асбобсозлик пўлатларга қўйиладиган талаблар уларнинг турлари маркаланиши ишлатилиши билан танишиш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Углеродли конструкцион пўлатлар, углеродли асбобсозлик пўлатлари ва тезкесар пўлатлардан намуналар.

Кесувчи асбобларнинг кесиши қобиляти уларнинг физик механикавий хоссалари яъни қаттиқлиги мустаҳкамлиги ейилишга чидамлилиги, оташбардошлилиги ёпишқоқлиги (адгезия) билан характерланади.

I. Кесувчи асбоб материалининг қаттиқлиги ишлов берилиши керак бўлган. Материалнинг қаттиқлиги нисбатан юқори бўлиши керак.

Асбобсозлик материалининг қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги материал таркибидаги карбидларнинг ёрдамчи ташкил этувчиларнинг ўзаро нисбати дондорлиги катта таъсир кўрсатади.

Материал таркибидаги карбидларнинг миқдори ортиб бориши билан материалларнинг қаттиқлиги ва ейилишга чидамлилиги ортади мустаҳкамлиги камаяди.

II. Материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги юқори бўлиши керак. Чунки иссиқлик ўтказувчанлиги қанча юқори бўлса кесиши зонасидан иссиқликнинг тарқалиши тарқалади ва натижада кескич билан заготовканинг контакти юзаларида ҳарорат камаяди.

III. Асбобсозлик материалиларнинг оташбардошлиги, унинг физика – механикавий хоссасини ўзгариши билан характерланади. Яъни унинг қаттиқлиги пасаяди, ейилиши ортади. Айрим адабиётларда оташбардошлиқ, юқори температурага чидамлилик каби термин билан юритилади. Материалнинг юқори температурага ортиб бориши билан кесиши жараёнини юқори тезлик билан олиш бориши мумкин. Демак иш унумдорлиги таъминланади.

IV. Асбобсозлик пўлатларининг ишқаланиб ейилиши уларнинг ишқаланиш кучи таъсирида ейилишига қаршилик кўрсатиши қобиляти билан характерланади.

V. Асбобсозлик ва ишлов берилаётган материалнинг ёпишқоқлиги (адгезияси) асбоб билан заготовка ўртасидаги контакт юзалардаги ҳарорат ва босим таъсирида ривожланувчи молекуляр кучларга боғлиқдир.

Ёпишқоқлик асбобсозлик ва ишлов берилаётган материалларнинг бир – бирига ёпишиш температураси орқали аникланади. Ёпишиш температураси қанчалик юқори бўлса кесувчи асбоб материалининг сифати шунча юқори бўлади. Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун кўйидаги материаллардан фойдаланилади: асбобсозлик пўлатлар, металл керамик қаттиқ қотишмалар, минерало керамик материалилар, кермитлар, алмазлар, нитридлар абразив материаллар ва конструкцион пўлатлар. Асбобсозлик пўлатлар кўйидаги турларга бўлинади: углеродли, лигерланган ва тез кесар пўлатлар.

Углеродли асбобсозлик пўлатларининг асосий ташкил этувчи элементи углерод бўлиб, улар асосан икки группага бўлинади, яъни сифатли ва юқори сифатли пўлатлар. Бу группаларнинг ҳар бири таркибидаги углерод миқдорига қараб саккиз тур маркага ажратилади. У10А – углерод миқдори 0,95 – 1,04%, У12А - -1,05-1,14%, У11А – 1,05-1,14%. Термик ишлов беришда кейин бу пўлатларнинг қаттиқлиги Н-58-64: оташбардошлиги -200-250⁰ оралиғида бўлади. Углеродли пўлатлар ёмон тобланади. Яъни тоблаш жараёнида ёрилиш, деформацияланиш каби нуқсонлар содир бўлиши мумкин. Бу пўлатлардан асосан кичик тезликларида ишловчи асбоблар метчиклар, зенкерлар, еговлар ва ёғочга ишлов беришда кўланиладиган асбоблар тайёрланади.

Лигерланган пўлатлар таркибида лигерловчи элемнитларни «хрон, вольфрам, молибден, ванадий» қўшилганлиги туфайли пўлатларга нисбатан анча юқори кесувчанлик хоссасига эгадир. Термик ишлов берилгандан кейин бу пўлатларнинг қаттиқлиги Н-62-64 бирликка тенг бўлиб оташбардошлиги 250-300 градус атрофида бўлади. Бу пўлатлардан тайёрланган кесувчи асбоблар учун рухсат этилган кесиши тезлиги углеродли пўлатларга нисбатан 20-40 % юқоридир.

Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун кўпчилик вақтда хром, кремний, 9 ХС, хром вольфрам морганецли ХВТ, хром вольфрамли ХВ 5 пўлатлар ишлатилади. Кейинги даврларда 9 ХС маркали пўлат ўрнига таркибига қўшимча марганец ва вольфрам қўшилган 95 ХГСВФ маркали пўлат кенг ишлатила бошланди.

ГОСТ 5950-70 бўйича тайёрланган ва ишлаб чиқаришда кенг кўлланиладиган лигерланган асбобсозлик пўлатларнинг кимёвий таркиби кўйидаги жадвалда келтирилган.

Пўлатлар маркаси	У г л е р о д м и қ д о р и %					
	Углерод	Марганец	Кремний	Хром	Вольфрам	Ванадий
ДХС	0,85-0,95	0,90-0,60	1,20-1,60	0,95-1,25	-	-
ХВГ	0,90-1,05	0,86-1,10	0,15-0,35	0,90-1,20	1,20-1,60	-
ХВ 5	1,25-1,45	0,15-0,40	0,15-0,35	0,40-0,70	4,0-5,0	0,1-0,3

Бу пўлатларда зенкерлар, разведкалар, метчиклар, протяжкалар тайёрлашда кенг кўлланилади.

Тез кесар пўлатлар таркибида уларнинг оташбардошлигини орттирувчи элементларни «Вольфрам» маълум даражада юқорилиги билан характерланади. Бу пўлатларнинг оташбардошлиги 600 °C қаттиқлиги НС -62 -84 га тенг бўлиб рухсат этилган кесиш тезлиги углеродли пўлатларга нисбатан 2-3 баробар юқоридир. Тез кесар пўлатлар икки гурухга бўлинади:

1. Нормал оташбардошлар
2. Юқори оташбардошлар

Биринчи гурухга Р 18 Р9 Р12 Р6М5 Р6М3 маркали пўлатлар киради. Р18 маркали пўлат таркибида 17,5-19 %, Р9 маркалисида эса 8,5-10 % вольфрам мавжуддир. Р12 маркали пўлатнинг тан нархи Р18 га нисбатан 30% кам бўлиб бир хил массада зичлиги анча камдир бу холл Р18 маркали пўлатларда 4 % кўпроқ асбоб тайёрлаш имконини беради металлокерамик қаттиқ қотишмалар кобалт ёрдамидан боғлангандан қийин ерувчи металл карбитлардан иборатдир.

Бу қотишмалар преслаш ва пишириш методи билан тайёрланади. Қаттиқ қотишмалар юқори температурага (800 - 900°) чидамлилиги юқори зичлиги қаттиқлиги (НРА87-92) ва юқори температурада ейилишга чидамлилиги билан характерланади.

Кесувчи асбоблар тайёрлаш учун ҳар хил формали ва размерли (ГОСТ 9209-69) қуйидаги составдаги пластинкасимон қаттиқ қотишмалар ишлатилади.

1. Вольфрамли (1 карбитли).
2. Титан вольфрамли (2 карбитли).
3. Титан танталь вольфрамли (3 карбитли).

Вольфрам группали қаттиқ қотишмалар вольфрам ва боғловчи сифатида кобалтдан иборатдир.

Бу группа қотишмаларининг қуйидаги шакллари мавжуддир; ВК3, ВК4, ВК4В, ВК6В, В6, ВК8, ВК10, ВК15, ва х. Бу ерда В ҳарфи группа турини, К - кобалт. сонлар эса кобалтнинг процент микдорини кўрсатади Маркировкани охирага қўйилган М ва В ҳарфлари қотишма структурасани дондорлигини (М – майда дондорлик, В – йирик дондорлик) билдиради. Бу пўлатларнинг мустаҳкамлиги анча юқори бўлиб, оташбардошлиги сезиларли даражада камаяди.

Ишлаб-чақаришда таркибида 3-5% молибден мавжуд бўлган тезкесар пўлатлар кенг қўлланилада. (Р6М3, Р6М5). Молибден пўлатларнинг - мехааик хоссасига вольфрам каби таъсир кўрсатади. Бу пўлатларда оғир шароитларда ишловчи асбоблар тайёрланади.

Иккинчи группага таркибида ваннадий ва кобалт кўшилган пўлатлар кирада. Масалан: Р9Ф5, Р14Ф4, Р18Ф2 маркали пўлатлар таркибада 1,8-5,1% ваннадий, Р9К5, Р9К10 маркаларида - 5-106% кобалт, Р10К5Ф5 ва Р18К5Ф2 маркали пўлатлар таркибидан эса ваннадий ва кобалт элементлари мавжуддир.

Пўлатларнинг таркибга 10% кобалт кўшилса уларнинг оташбардошлиги 650°C гача, қаттиқлиги эса НС - 7-8 гача ортади.

Яқинда оташбардошлиги 700-720°C гача бўлган нормаль мустаҳкамликка эга Р18М3К25, Р18М7К25 ва Р10М5К25 маркали-пўлатлар яратилди. Бу пўлатлардан тайёрланган кесувчи асбоблар титан қотишмаларига ва олойбардош материалларига ишлов беришда қўлланилади. Тез кесар пўлатлардан кескичлар, пармалар, зенкерлар, разверткалар, плашталар, метчиклар, фрезалар, протяжкалар тайёрланилади.

Титак-вольфрам группадаги қотишмалар ейилишга чидамлилиги ва эгилишга қаршилик кўрсатши қобиляти камлиги билан характерланиб, асосан қовушқоқли юқори бўлган материалларни пўлатларни кесиб ишлашда қўлланилади. Бу группага киравчи қотишмаларнинг Т5К10, Т15К12, Т14К8, Т15К6, ТЗОК4 каби маркалари мавжуддир. Қотишмаларнинг маркировкаси таркибидага Т ҳарфи – титанинг микдорини (процентда), К - кобалтни кўрсатади. Масалан; Т5К10 маркали қотшима таркиби 5% титан карбиди, 10% кобалт ва 85% вольфрам карбадидан иборатдир.

Титан-танталь-вольфрам группасига киравчи қотишмалар титан карбиди. танталь карбиди, вольфрамли карбиди ва боғловчи сифатида коболт заррачаларидан иборат бўлиб маркаланишдаги ТТ ҳарфлари титан ва танталь карбидининг, К - ҳарфи эса кобалт микдорини (процентларда) билдиради. масалан: ТТ7К12 – маркали қотишма таркибада 7% титан ва танталь карбиди, 12% кобалт 81% вольфрам карбиди мавжуддир.

Минерало керамик материаллар Al2O3 (гекозен) оксадидан катта босим остида преслаш усули билан олинади. Термик ишлов берилгандан кейин бу қотишманинг, сикилишига мустаҳкамлиги 500 кг/мм² қаттиқлиги HRA 89-95; оташбардошлиги 1200° С атрофида бўлади.

Кермитлар В3 - бу қотиши мениралокерамикага металл корбидлари күшилиб ўзаро метал боғловчилар билан боғланган бўлиб қовушкә ва турғунликка эгадир. Бу қотиши мустаҳкамлиги 50-60 КГе/мм² ва юқорироқдир.

Алмазлар юқори қаттақлиги ейлишга чадамлилиги химиявий жиҳатдан активлиги ишқаланиш коэффициенти кичиклиги, кам ёпишқоқлига билан характерланади. Алмазлар юқори оташбардошлика (750°C гача) эга бўлиб ўткир кесувчи қирра олиш имкониятини беради. Бу материалларнинг камчилиги таннархини қимматлиги ва эгилишга чидамлилиги ҳам (30 КГе/мм²) бўлишидир. Кесувчи асбоб тайёрлаш учун оғирлиги 0,31-0,85 карат олмос крисаллари ишлатилади. Бу кескичлар рангли металларни йўнишда қотиши мустаҳкамликка эга бўлган чўяянларни тобланган пўлатларни йўнишда фрезалашда қўлланилади.

Янги ўта қаттиқ материаллар таркиби ярим кристалл кўринишидаги синтетик олмос парооксиди юқори температура ва босим таъсирида олинади.

Кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ўта қаттиқ материаллар институти Славутич деб номланган ўта қаттиқ материаллар кашф қилинган. Бу материалларнинг ейлишга чидамлилиги олмосга teng бўлиб мустаҳкамлиги олмосга нисбатан юқорироқдир. Бу материалдан тўғирловчи қаламлар, роликлар, блоклар тайёрланади. Яқинда вольфрамсиз металлокерамик қотишмалар тайёрлаш технологияси яратилди. Бу материалларда (THM20, THM25 KTH20, KTH30) тайёрланган кесувчи асбоблар ферритли, никелли, мисс ва мельхиор каби материалларга ишлов беришда қўлланилади.

Конструкцион пўлатлар эса кескичларнинг тана қисмларини йифилувчи кескичларнинг корпусларини тайёрлаш учун қўлланилади. Бу мақсаддан асосан 40-45-50 маркали пўлат углеродли ва 45Х, 45ХН каби сифатли конструкцион пўлатлар ишлатилади.

**2 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:
“Токарлик кескичларининг конструкцияси ва геометрик параметрлари”
мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

T/p	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1.Дарс мақсади: Кесувчи асбоб тайёрлаш учун қўлланиладиган материаллар ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Токарлик кескичларининг конструкциясини ва геометриясини ўрганади.</p> <p>1.2.2. Токарлик кескичларининг геометрик параметрларни ўлчашни билади.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: Кескич, қотиши, киринди, кескич бурчаклари, кескич геометрияси.</p> <p>1.4.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуllibar: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, Токарлик кескичларининг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p>	Ўқитувчи-

	<p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материла қандай қотишмадан таркиб топғанлигини аниқлайдылар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хulosалар чиқарилади ва түғрилиги текширилади.</p>	талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилгандын маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кескичнинг калла қисмида қандай элементлар мавжуд? • Ишлов берилаётган заготовкада ундан қиринди ажратиб олиш жараёнида қандай юзалар намоён бўлади? • Кескичнинг қандай бурчаклари мавжуд? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут


Иш мақсади: Токарлик кескичларининг конструкциясини ва геометриясини ўрганиш ва геометрик параметрларни ўлчаш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, қалам, транспортёр, синган, ейилган ва ўтмаслашган кескичлардан наъмуналар.

Кескичлар (расм 1, а,б) иккита қисмдан иборат. Калла қисми – 2 ва танаси – 5. Кескич калла қисми ишчи қисми бўлиб танаси ёки ўзаги кескични дастгоҳ, кескич тутқицига ўрнатиш ва қотириш учун хизмат қиласи. Кескич ишчи қисми асбобсозлик пўлат. Металлокерамик қаттиқ қотиши минералокерамика ёки олмослардан тайёрланани мумкин.

Кескич калла қисмida қуйидаги элементлар мавжуд: олдинги юза кесиши жараёнида кесиб олинаётган қиринди билан контактда бўлади: асосий ва ёрдамчи орқа юзалар (асосий – 3, ёрдамчи - 4). Ишлов берилаётган деталга қараган юзалар кесувчи қирралари олдинги ва орқа юзаларнинг кесишидан ҳосил бўлади.

Кесувчи қирралар асосий кесиши жараёнида иш бажарувчи ва кесувчи қирраларга бўлинади. Асосий кесувчи ва ёрдамчи қирраларнинг кесиши нуқтаси кескич чўққиси деб юритилади.



Кескич кесувчи қисмнинг формаси кесувчи қирраларнинг, олдинги ва орқа юзаларнинг шаклларига боғлиқ бўлади.


Юқорида қайд қилинган юзаларнинг ва кесувчи қирраларнинг ўзаро жойлашиши кескич бурчаклари деб юритилувчи параметр ёрдамида аниқланади.

Ишлов берилаётган заготовкада ундан қиринди ажратиб олиш жараёнида (шакл 2) қуидаги юзалар намоён бўлади.

1 - ишланиши керак бўлган, қиринди кесиб олиниши керак бўлган юза;

2 - кескич юзаси, кескичининг кесувчи қиррасини заготовкада ҳосил қилаётган юзаси;

3 - ишлов берилган қиринди олиб ташлангандан кейин ҳосил бўлган юза.



Расм – 2

Кескич бурчакларини аниқлаш учун қуидаги текисликлар кординат юзалар қабул қилинган кесиши юзаси - 4, асосий юза - 5, асосий кесувчи текислик N-N (шакл - 3) ёрдамчи кесувчи текислик N1-N1 (шакл - 3).

Кесувчи текислик деб-кесиши текислигига уринма бўлиб асосий кесувчи кирра орқали ўтувчи текислика айтилади.

Асосий текислик деб, кўндаланг ва бўйлама буриш йўналишига паралел қилиб

ўтказилган текисликка айтилади.


Асосий кесувчи текислик (N-N шакл - 3) деб асосий кесувчи қирранинг асосий текисликка туширилган проекциясига тик қилиб ўтказилган текисликка айтилади. Ёрдамчи кесувчи текислик.

(N1-N1 шакл - 3) деб, ёрдамчи қирранинг асосий текисликдаги проекциясига тик ўтказилган тешкисликка айтилади.

Кескич бурчаклари икки хил ҳолатда аниқланади: турғун ҳолатда -статик бурчаклар, ёки кесиб ишлаш жараёнида - кинематик бурчаклар. Статик ҳолатдаги кескич бурчаклари кўриниши 3 чи шаклда келтирилган.

Кескичларда асосий ва ёрдамчи бурчаклари мавжуд. Асосий бурчаклар асосий кесиш текислигига (N-N) ўлчанилади. Бу бурчакларга: асосий орқа бурчак α - асосий орқа текислик билан кесиш текислиги орасидаги бурчак: ўткирланиш бурчаги β асосий орқа ва олдинги юза орасидаги бурчак: олдинги бурчак γ кескич олдинги юзаси билан кесишиш текислигига тик қилиб ўтказилган текисликлар орасидаги бурчак: кесишиш бурчаги – олдинги юза билан кесишиш текислиги орасидаги бурчаклар киради.

Шакл 3 дан кўринадики агар олдинги бурчак γ нинг қиймати мусбат бўлиб бурчаклар орасидаги қўйидаги боғланиш мавжуд бўлади.



Расм – 3

$$\alpha + \beta + \gamma = 90^0 \quad (1)$$

$$\delta = \alpha + \beta \quad (2)$$

$$\delta + \gamma = 90^0 \quad (3)$$

$$\delta = 90 - \alpha \quad (4)$$

α - манфий қийматда.

$$\delta = 90^0 + \alpha \quad (5) \text{ бўлади.}$$

Кескичнинг ёрдамчи бурчаклари ёрдамчи кесувчи текислик (N1-N1) бўйлаб ўлчанади. Ёрдамчи орқа бурчак деб ёрдамчи орқа юза билан асосий текислик ёрдамчи кесувчи қиррадан тик туширган текисликлар орасидаги бурчакка айтилади. Яъни ёрдамчи орқа бурчак α_1 , ёрдамчи кесиб бурчаги γ_1 , ўткирланиш бурчаги β_1 лар мавжуддир.


Пландаги бурчаклар асосий текисликда ўлчанади. Пландаги асосий бурчак γ деб заготовканинг айланиш ўқи билан асосий кесувчи қирранинг асосий текисликдаги

орасидаги бурчакка айтилади. Пландаги ёрдамчи бурчак γ_1 деб ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текисликка проекцияси билан суриш йўналиши орасидаги бурчакка айтилади. Кескич чуққисидаги бурчак ε - деб асосий ва ёрдамчи кесувчи қирранинг асосий текисликда проекциялари орасидаги бурчакка айтилади.

Пландаги бурчакларнинг йигиндиси 180^0 тенг. Яъни


$$\varphi + \varphi_1 + \varepsilon = 180^0 \quad (6)$$

Асосий кесувчи қирра билан қиялик бурчаги деб кесувчи қирра билан кескич чуққисидан асосий текисликка параллел ўтказилган текисликлар орасидаги бурчакка айтилади расм 4.




Бу бурчак кесиш текислиги бўйлаб ўлчанади. Агар кескич чуққиси кесувчининг энг пастки нуқтасида бўлса (расм 4 а) бурчак мусбат. Юқори нуқтасида бўлса (расм 4 в) манфий қимматга эга бўлади. Агар кесувчи қирра асосий текисликка параллел жойлашган бўлса, λ - бурчаги нольга тенг бўлади (расм 4 б).

Кескич орқа бурчагини (расм 6 а), олдинги бурчагини (расм 6 б) ва кесувчи



киррасининг қиялик (расм 6 в) бурчакларини ўлчаш схемаси.

Ўлчаш ва хисоблаш натижасида аниқланилган бурчак қимматларига асосланиб кескич ишчи қисмининг эскизи чизилади.



Адабиётлар

1. С.Б. Егоров А.Т. Черняков – Конструкцион материалларни кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар. Изд. «Олий таълим» 1975 г. 4 бет.

3 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси: “Пармаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари” мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.7.Дарс мақсади: Пармаларнинг геометрик параметрлари ва конструкцияси ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.8.Идентив ўқув мақсадлари. 1.8.1. Пармаларнинг геометрик параметрлари ва конструкциясини ўрганади. 1.8.2. Спиралсимон парканинг асосий элементлари ва геометрик параметрларини билади. 1.9.Асосий тушунча ва иборалар: Парма, спирал парма, қирра орасидаги бурчак, кескич бурчаклари, парма геометрияси. 1.10.Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда. 1.11.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория. 1.12.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофилмлар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Машғулот бошланади, Пармаларнинг геометрик параметрлари ва конструкцияси ҳақида тушунчалар берилади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурухда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади. 3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниклайдилар. 3.3. барча талабалар баҳс мунозараага киришади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут


	3.4. Умумий хулосалар чиқарилади ва түғрилиги текширилади.	
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Парма деб нимага айтилади? • Парманинг неча хил қирралари мавжуд? • Парма параметрларини ўлчаш учун қандай ўлчов асбобларидан фойдаланилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Парма геометриясини, конструкциясини ва геометрик параметрларини ўрганиш. Спиралсимон парканинг асосий элементлари ва геометрик параметрлари.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, қалам, транспортёр, синган, ейилган ва ўтмаслашган пармалардан наъмуналар.

Спирал парма яхлит материалларда ўтувчи ва боши берк тешиклар тешиш, аввалдан мавжуд тешикларни кенгайтириш учун фойдаланилади. Бундай – пармаларнинг ишлаш принципи расм I да кўрсатилган. Тешиш жараёнада парма ўз ўки атрофида айланма, бу ўқ бўйлаб бўйлама ҳаракат қиласи.


Детал /2/ эса дастгоҳ столида /1/ кўзғалмас қилиб қотирилади. Токарлик ва револьвер дастгоҳларида эса парма илгариланма ҳаракат қиласи. Детал эса айланади.




Расм – 1

Спираль парма (расм 2), ишчи қисми - ℓ , бўйини ℓ_1 , қўйруқ қисми ℓ_2 ва лапка - ℓ_3 лардан иборат.

Парманинг қўйруқ қисми цилиндр формали қилиб тайёрланиб, бу қисми билан дастгоҳ патронига ўрнатиш ва қотириш учун хизмат қиласи. Бу типдаги пармаларнинг диаметри $D=10$ мм гача бўлади.



Спирал парманинг кесувчи қисмини асосий элементлари қуйидаги расм 3 да күрсатылған.



Расм - 3

Парма кесувчи қисми ккита парма ўқига нисбатан симметрик жойлашган АВ ва ЕС кесувчи қирра, күндаланг қирра ЕС, винтсимон чизиқча бўйлаб жойлашган иккита ёрдамчи кесувчи қирралар АК ва Е ℓ дан иборат.

Пармани ишлаш жараёнида тешик деворларига ишқаланиши камайтириш мақсадида унинг ишчи қисмидаги парма диаметрига тенг қилиб жилвирланган лента f - колдирилади.

Парманинг иккита асосий кесувчи қирраси орасидаги бурчак парма чўққисидаги бурчак 2φ деб юриталада ва унинг қиймати $118-120^\circ$ атрофида бўлади. Күндаланг кесувчи қирранинг қиялик бурчаги ψ күндаланг ва асосий кесувчи қирраларни парма ўқига тик қилиб ўтказилган текисликдаги сояларнинг оралиғидаги қиймат билан характерланади.

Парма тўғри чархланган бўлса, бу бурчак $\psi=50-50^\circ$ атрофида бўлади.

Парма винтсимон ўйиқнинг кўтарилиши парма ўқи билан унинг винтсимон чизигини ташқи диаметрга ўтказилган уринманинг сояси оралиғидаги бурчак қиймати (ω) билан аниқланади.

Бу бурчак олдинги бурчак α - нинг қийматини ва қириндини олдинги юза бўйлаб чиқиш шароитини характерлайди.

Спирласимон пармаларда ишчи қисми күндаланг кесувчи қирра ВС ва туташиш чизигининг /пермичса/ қалинлиги h - мавжуддир, /расм 3/. Асосий кесувчи қирра олдинги юза 1 ва орқа юза 2 ларнинг кесишидан ҳосил бўлади.

Спиралсимон пармаларнинг кесувчи қирра бурчаклари кўйидаги текисликларда ўлчанилади:

I. Асосии кесувчи қиррага тик йўналишда кесувчи қирранинг 1, 2, 3 нукталари орқали ўтказилган $N_1N_1; N_2N_2; N_3N_3$ кесмалар бўйлаб;

2. 1, 2, 3 нүкталардан ўтuvчи, парма ўқига параллел ва унинг айланишидан ҳосил бўлган доирага уринма қилиб ўтказилган O_1O_1 ; O_2O_2 ; O_3O_3 текисликларда (расм 4).

Парманинг асосий олдинги бурчаклари γ_1 ; γ_2 ; γ_3 лар асосий кесувчи қиррага тик йўнилган текисликлар N_1N_1 ; N_2N_2 ; N_3N_3 да жойлашган.

Асосий олдинги бурчак деб, кесувчи қирранинг бирор нүктасидан парма олдинги юзасига уринма қилиб ўтказилган текислик билан, ўша нукта орқали парма кесувчи киррасининг айланишидан ҳосил бўлувчи юзага тик қилиб ўтказилган текисликлар орасидаги бурчакка айтилади.

Тубандаги расм 4-да олилган 1,2,3 нүкталарга мос келувчи бурчак қийматлари γ_1 ; γ_2 ; γ_3 лар ифодаланган.

Олдинги бурчаклар γ_1 ; γ_2 ; γ_3 бурчаклар парма ўқига параллел ва 1, 2, 3 нүкталардан парма ўки атрофида айланиши туфайли ҳосил бўлувчи доирага уринма O_1O_1 ; O_2O_2 ; O_3O_3 текисликларда тасвирланган. Бу бурчаклар бир вақтда парма винтсимон ўйиқнинг кўтарилиш бурчагидир. Яъни

$$\gamma' = \omega_1; \quad \gamma'' = \omega_2; \quad \gamma''' = \omega_3;$$

Расм 5-да $P_1; P_2; P_3$ диаметрлари бўйича ёйилмаси келтирилган.

Абцисса ўки бўйлаб эса винт чизигининг қадами /Н/ қўйилади. Расм 5 га асосан γ' бурчаги учун

$$tg\gamma_1 = tg\omega_1 = \pi D_1 / H \text{ деб (1)}$$

ёзиш мумкин.

Бу ерда D - парма ташқи диаметри мм да;

H - парма винтсимон чизигини қадами

$$tg\alpha_x = tg\alpha'(P + D_1) \text{ (2)}$$

α_x - кесувчи қирранинг парма ўқига паралел текислиқда олинган ихтиёрий нүктасига мос келувчи олдинги бурчак қиймати, градда.

$\alpha' = O_1O_1$ - текислиқдаги олдинги бурчак қиймати.

D_x - ихтиёрий танланилган нүкталиги парма диаметри, мм да.

D_1 - парма ташқи диаметри, мм да.

Олдинги бурчак асосий кесувчи N_1N_1 - текислиқда қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$tg\alpha_1 = \frac{tg\alpha'}{\sin \varphi}$$

бу ерда $\alpha' = \omega$: φ - пландаги бурчак.

Асосий кесувчи текислиқда олдинги бурчакнинг қуйидага формула орқали хисобланади.

$$tg\alpha_x = \left(\frac{tg\alpha'}{\sin \varphi} \right) \left(\frac{D_x}{D_1} \right) \text{ (4)}$$

Бу ерда $\alpha' = O_1O_1$ - текислиқдаги олдинги бурчак, градда.

α - парма чўққисидаги бурчакнинг ярими, градда

D_x - парма диаметри, мм да.

D_1 - парма сиртқи диаметри, мм да.

Парманинг асосий орқа бурчаклари γ_1 ; γ_2 ; γ_3 /расм 4/ парма орқа юзасига 1,2,3 нүкталар орқали уринма қилиб ўтказилган уринма текислик билан ўша нукталардан парма ўқига тик қилиб текисликлар орасида жойлашган.


БУРАМА ПАРМА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ

Парма параметрларини ўлчаш учун қуйидаги ўлчов асбобларидан фойдаланилади: универсал угломер; штангекциркуль; микрометрлар; орқа бурчак қийматини ўлчовчи маҳсус асбоблар.

Парма диаметрлари штангенциркуль орқали ўлчанилади. Унинг қуйруқ қисмининг диаметрини ўлчаш орқали парма конус қисмининг қиялик бурчагининг аниқлаш мумкин,

$$\text{яъни } \varphi_1 = \arctg \left[\frac{(D_1 - D_2)}{2\ell} \right] \quad (5)$$

- парма чўққисидан масофада ўлчанилган парма диаметрларнинг тенг қийматдир.
($\ell = 100 \text{мм}$)



Расм – 7

Парма чўққисидаги бурчак 2φ - нинг қийматини ўлчаш расм 7 да кўрсатилган.

Винт чизигининг кўтарилиш бурчагини пармани қоғозда айлантириш туфайли ҳосил қилинган парма изи орқали аниқланади. Олдинги асосий бурчак билан парма диаметри орасидаги боғланиш жадвалини ясаш учун 4-чи формуладан фойдаланилади. Бу формула ёрдамида парманинг кесувчи қирраси бўйлаб ўлчаш учун танланилган учта нуқтага мос келувчи қийматлар аниқланади:

1. Парма қиррасининг энг қуви нуқтаси;

2. Парма ўқидан 2-3 мм масофада ва парма диаметрининг ўрта размери учун.

Асосий кесувчи текислик бўйлаб нуқтадаги кесиш бурчаги $\delta = 90^\circ - \alpha_1$ га тенг бўлади.

Парма кесувчи қиррасининг ҳар-хил нуқтасига мос келувчи орқа бурчак қийматини аниқлаш учун формулар (4) асосида чизилган графикдан эгри чизиқка уринма текисликлар ўтказиб, X ва Y ўқларидаги қийматлар аниқланади (Расм 8).

Изланаётган бурчак қиймати қуидаги формула орқали хисобланади.

$$\operatorname{tg} \alpha_x = (7,5 / D_x) \cdot (y_x x_1) \quad (7)$$

бу ерда 7,5 – доимий сон;

y_1 – ордината, X_1 – абцисса, ммда, D_x – парма диаметри, ммда. Формула (7) ёрдамида аниқланган қийматлар асосида парма орқа бурчагининг диаметрига боғлиқ ҳолда ўзгариш жадвалини ясалади (расм 9).

АДАБИЁТЛАР

- С.Б. Егоров, А.Г. Червяков – конструкцион материалларни кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар. Лаборатория ишларидан практикум. «Олий мактаб» 1975 й.
- Б.Л. Борисов – Кесиб ишлаш бўйича лаборатория практикуми. Машгиз. 1953 й. Киев.

**4 – машғулот. Фанни ўқитиш технологияси:
“Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари” мавзусидаги
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.7.Дарс мақсади: Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.8.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.8.1. Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида билади.</p> <p>1.8.2. Фрезаларнинг тузилиши, геометрик параметрларини ўрганиш ва ўлчаш билан танишади.</p> <p>1.9.Асосий тушунча ва иборалар: Фреза, цилиндрик фреза, фасон юза, торец фреза.</p> <p>1.10.Дарс шакли: гурух ва микрогуруухларда.</p> <p>1.11.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.12.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопроректор, видеофильмлар.</p>	Ўқитувчи
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гурухда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материла қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Фрезалар фрезер дастгоҳларида қандай ишларни бажаришда қўлланилади? • Фрезанинг орқа бурчаги қандай асбоб ёрдамида ўлчанилади? • Орқа бурчакни ўлчаш қандай тартибда олиб борилади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириклари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Фрезаларнинг тузилиши, геометрик параметрларини ўрганиш ва ўлчаш.


Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслиқ, маъруза матнлари, конспект дафтари, қалам, транспортёр, синган, ейилган ва ўтмаслашган фрезалардан наъмуналар.

Фрезалар фрезер дастгоҳларида қўйидаги ишларни бажаришда қўлланилади: Текис юзаларни ҳомаки ва тозалаб фрезлаш; ортиқча ўйиш; металларни бўлакларга бўлиш; фасон юзаларга ишлов бериш в.х.

Фрезаларнинг энг оддий типии цилиндрик фреза бўлиб, асосан текис юзаларни фрезалашда ишлатилади.

Цилиндрик фрезанинг ишлаш схемаси расм – 1 да күрсатилган: фреза 1 справкага шпонка орқали кийдирилиб, ўзи атрофида айланма ҳаракат қиласи. Ишлов бераётган деталь 2 эса илгариланма ҳаракат қиласи.


Кесиш жараёнида фрезанинг бир маротаба ўтиш вақтида олинаётган қатлам қалинлиги t – ҳарфи билан белгиланади ва кесиш чуқурлиги деб юритилади.



Расм – 1

Цилиндрик фреза – цилиндрик формадаги тана қисмидан иборат бўлиб, сиртқи юзасидан қиринди чиқиши учун ўйилган винтсимон ориқчалардан ва кесувчи қирралари тишлилар ўйилган бўлади (расм 2). Кесувчи қирраларни винтсимон қилиб ўйилиши фрезанинг текис ишлашини таъминлайди ва урилиб, тебранишни камайтиради.

Кесувчи қирранинг қиплик бурчаги ω - ҳарфи билан белгиланиб фреза ўзи билан винтсимон линияга ўринма қилиб ўтказилган текислик орасидаги қиймат билан ҳарактерланади.




Расм – 2

ФРЕЗА ГЕОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎЛЧАШ

Фрезаларнинг геометрик ва конструктив элементларини ўлчашда, ўлчаш линейкалари, универсаль бурчак ўлчагич, штангенциркуль ва фреза тореци текислигидаги орқа ва олдинги бурчакларни ўлчаш кўлланиладиган асбоблардан фойдаланилади.

Куйидаги расм 5 да Бабсиницер конструкцияланган асбоб ёрдамида фреза орқа

бурчагини ўлчаш кўрсатилган.



Ўлчаш қуидаги тартибда олиб борилади.

1. Фрезанинг кесувчининг қирралари 1 ва 2 га ўлчаш асбобини шундай жойлаштириш керакки бу ҳолда, ўлчанилаётган тишнинг тиги планка 3 ва тиг 6 ларнинг қуилиши туфайли ҳосил бўлган бурчак учига тирагиб, асбобнинг торец қисми фреза ўқига тик йўналган бўлиши керак;
2. Асбобнинг характерланувчи қисми 4 ни асбоб ўлчаш текислиги 3 фреза орқа юзасига тирагунча буралади.

3. 4 – секторнинг градусли шкаласидан олдинги бурчак қиймати ҳисобланилади.

Бу қиймат шкаладаги ноль қийматга ва 5 шкаладаги фреза тишлар сонига мос бўлган штрихлар орасидаги миқдордан иборат бўлади.

Масалан: расм 5 а да.

$\alpha_1 = 26$ Фреза тишлари: $z=18$

Фреза олдинги бурчагини ўлчаш қуидаги тартибда олиб борилади:

1. Иккита ёнма – ён жойлашган фреза тишларининг қиррасига ўлчаш асбобини шундай жойлаштириш керак – ки, бу ҳолда фрезанинг кесувчи қирраси ўлчаш текислигига тиг 1 ва планка 2 лар ҳосил қилган бурчакка тирагиб, асбоб торец қисми эса фреза ўқига тик йўналган бўлиши керак (расм 5 б);
2. Асбоб сурилувчи секторини (3) ўлчаш тиги 1 фреза олдинги юзасига тирагунча олиб келинади;
3. 5 – сектор шкаласидан олдинги бурчак қиймати аниқланилади, бу қиймат градус шкала 3 – чи штрих билан 4 шкаладаги фреза тишлар сонига мос келувчи штрих орасидаги ёй миқдори билан характерланади, яъни расм 5 б дан кўринадики $z = 18$ бўлган фреза учун $\gamma=10^\circ$ га teng экан.

Асосий кесиш текислигига фреза олдинги бурчаги қуидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\operatorname{tg} \alpha = \operatorname{tg} \alpha_1 \cdot \cos \omega$$

Кесиг бурчаги эса: $\delta = 90^\circ - \alpha$ га teng бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. С.В.Егоров, А.Г.Червяков – Конструкцион материаллар кесиб ишлаш ва кесувчи асбоблар. Нашриёт. Москва «Олий таълим». 1975 й.

5 – машғулот. Фанни ўқитиш технологияси:
“Кесувчи асбобнинг ейилиш ва унга таъсир этувчи омиллар” мавзусидаги

лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1. Дарс мақсади: Кесувчи асбобнинг ейилиш ва унга таъсир этувчи фактроверлар ҳақида талабаларга тушунчалар бериш. 1.2. Идентив ўқув мақсадлари. 1.2.1. Кесувчи асбобнинг ейилиш ва унга таъсир этувчи фактроверларни ўрганади. 1.2.2. Кесувчи асбобнинг ейилиши ва унга таъсир этувчи омилларни билади. 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: ўсимта, совутиш ва мойлаш суюқликлари. 1.4. Дарс шакли: гурӯҳ ва микрогурӯҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуслар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопроректор, видеофильмлар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Машғулот бошланади, кесувчи асбобнинг ейилиши ҳақида тушунчалар берилади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурӯҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади. 3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар. 3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади. 3.4. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none"> • Кесувчи асбобнинг ейилиши қандай жараён? • Қандай ейилишга алгезия ейилиши дейилади? • Қандай ейилишга абрезив дейилади? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Кесувчи асбобнинг ейилиши ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, токарлик дастгоҳи, кесувчи асбоб, заготовка.

Кесувчи асбобнинг ейилиш кескич билан ишланилаётган заготовка орасидаги контакт юзаларда ҳосил бўлувчи мураккаб жараёнда иборат.

Ишлов бериш жараёнида кесувчи асбобнинг ейилиши кесувчи асоб геометриясига, унинг олдинги ва орқа юзасидан ҳолатини ўзгаришга, кесиб ишланилаётган материал юзасини эластик ва пластик деформацияланишга, ишлов берилаётган юза сифатига ва кесиш зонасидаги ҳосил бўлаётган иссиқлик миқдорига катта таъсир қўрсатади.

Кесувчи асбоблар кесиш шароитига боғлиқ ҳолда қуидаги кўринишларда ейилиши мумкин: адгезияли, абрезив, абрезив – химиявий, диффузион.

Алгезияли ейилиш – бу турли ейилиш, кесиш жараёнида кескичнинг олдинги ва орқа юзаларини қиринди ва заготовкага ишқаланиш туфайли содир бўлувчи адгезия таъсирида кескич юзаларидан майда – майда заррачаларини йўналиши натижасида ҳосил бўлади.

Абрезив ейилиш – бу ейилиши кесувчи асобоб таркибидаги мавжуд бўлган қаттиқ заррачаларни кескичнинг ишқаланиш юзаларини тирнаши туфайли ҳосил бўлади. Бу ҳолда кескич материали таркибидаги ҳар бир қаттиқ кўшилмани кичик – кичик кескич сифатида фараз қилиш мумкин.

Бу кўринишдаги ейилишга ишлов бераётган материал таркибидаги карбидлар, оксидлар, қўйма қобиғлар, углеродсизланган қатламлар катта таъсир қўрсатади.

Абразив ейилиш миқдорига ишлов берилаётган муҳит ҳам сезиларли таъсир қўрсатади.

Масалан: хлор – углеродли муҳитда кесиб ишлаш жараёнида ўсимта ҳосил бўлмайди, лекин кескич орқа юзасидан образив заррачанинг изига ўхшаш тирналган чизиқларни қўриш мумкин. Бу излар химиявий актив муҳит таъсирида бўшашган кесувчи асобоб юзасидаги юпқа окис пленканинг тўхтовсиз тирналишининг оқибатидир. Бу пленкалар таркиби темирнинг хлорли бирикмасидан иборат бўлиб, осон қирқилади. Бу ейилишга химиявий образив ейилиши деб юритилади.

Диффузион ейилиш юқори температураларда кескич материали билан кескич орасидаги ўзаро диффузия таъсирида юзага келади.

Кесувчи асбобнинг ейилиши кесиш шароитига боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлиши мумкин. Амалда қуидаги ҳолатлар кузатилади:

1. Кесувчининг асобоб факат орқа юзаси бўйлаб ейилади. (расм 1 а). Бу холл мўрт материалларни йўниш кесиш чуқурлиги $t = 0,1$ дан кичик бўлган шароитда намоён бўлади.

Бу кўринишдаги ейилиш кескич орқа юзасидаги ейилган майдон кенглиги билан ифодаланади.

2. Кесувчи асобоб асосан олдинги юзаси бўйлаб ейилади. (расм 1 б).


Бу кўринишдаги ейилиш қовушқоқ материалларни 9,5 мм қалиқда кесиш жараёнида ҳосил бўлади.

Кескич олдинги юзасидаги ейилиш параметри ейилиш чуқурлиги h_{Λ} , кенглиги b , узунлиги ℓ_{Λ} ва боғловчи қисм билан характерланади. (расм 1 в).

Олдинги юза бўйлаб ейилиш, асосан ўсимта мавжуд бўлганда содир бўлиб, f – нинг қиймати нольга teng бўлганда тўла емирилади.

3. Бир вақтда кескичнинг олдинги ва орқа юзаси бўйлаб ейилиши (расм 1 б) пластик материалларни 0,1 – 0,5 мм қалинликда кесиш жараёнида ҳосил бўлади.

4. Пластмассаларни, қовушқоқ материалларни тозалаб йўнишда кескич кесувчи қирраси маълум радиусли формада ейилади. Расм 1 а, б, в.



Расм. 1 а, б, в.

Кесувчи асбобнинг ейилиши билан унинг ишлаш вақти орасидаги боғланиш расм 2 да ифодаланган.

Расмдаги графикдан кўринадики кесувчи асбобнинг вақт бирлиги ичida ейилиши III даврга бўлинади.

I – давр, бошлангич ейилиш даври. Бу даврда асосан кескич юзаларидаги нотекисликлар ейилиб текисланади. Бу даврда кескич юзаси қанчалик текис бўлса, эгри чизиқнинг кўтарилиш бурчаги шунча кичик бўлади.

II – давр, нормал ейилиш даври. Бу даврда ейилиш эгри чизигини аста – секин кескичнинг ишлаш вақтига пропорционал равишда кўтарилиб бориши билан характерланади.

Иккинчи даврдаги ейилиш чизигини қўйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин.

$$h = kt + h_0$$

бу ерда: h – ейилиш ўлчами, мм да;


$k = tg \alpha$ - бурчак коэффициенти;

α - тўғри чизик билан абцисса ўқи орасидаги бурчак;

t – кескичнинг ишлаш вақти;


h_0 - бошлангич ейилиш, мм да.

III – давр катострофик ейилиш даври. Бу даврда кесиши температураси бирданига ортиб кетади ва кескичнинг ейилиши жадаллашади. Натижада қисқа вақт ичida кескич кесувчи қисми бутунлай емиралиди.



Расм 2

Кесувчи асбобнинг ейилиши олдинги юзадаги ўйик размерлари ёки орқа юзадаги фаска h_3 қиймати билан ўлчанилади (расм 3).



Расм 3

Ишлов берилаётган материалга нисбатан нормал йўнишдаги ейилиш қиймати кескичнинг размерли ейилиши деб юритилади, бу ейилиш II – II кесим текислигига ўлчанади ва кескичнинг заготовка юзаси бўйлаб босиб ўтган масофаси билан характерланади (кесиш масофаси L мм да). Кесиш масофасини суриш катталигига кўпайтмаси ишлов берилган юза ҳажмини ифодалайди, яъни:

$$U = S \cdot (L)$$

КЕСИШ ЖАРАЁНИДАГИ ОМИЛЛАРНИ КЕСКИЧ ЕЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ

Кесувчи асбобнинг ейилишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Кескич ва ишлов берилаётган материал тури;
2. Кесиш режимининг элементлари;
3. Кесувчи асбобнинг геометрияси;
4. Кесувчи асбобнинг юза тозалиги;
5. Ўсимта;
6. Совутиш ва мойлаш суюқликлари.

Қовушқоқ материалларни кесиб ишлашда кескичлар орқа юзасига нисбатан олдинги юзаси бўйича кўпроқ ейила бошлайди. Ишлов берилаётган материалнинг

мустаҳкамлиги ортиб боради. Натижада кесувчи асбобнинг ейилиши ортади.

Кесиш режимлари кескич ейилишига қуйидагича таъсир этади:

Кесиш тезлиги ортиб бориши билан кескичнинг ейилиши ҳам ортиб боради. Суриш катталиги ва кесиш чуқурлиги кескич ейилишига тезликка ортиб бориши билан контакт юзаларда ҳосил бўлувчи ҳарорат миқдори суриш катталиги ва кесиш чуқурлигини ортишига нисбатан жадалроқ орта бошлайди.

Юқори тезликларда кесиш жараёнида кескич олдинги юзасида ўсимта ҳосил бўлмаслиги оқибатида кескичнинг кесиш чуқурлигини миқдорига боғлиқ ҳолда олдинги (киринди қалин бўлганда) ёки орқа юзаси (кичик қалинликда) бўйича ейила бошлайди. Бунга сабаб қиринди қалинлиги ортиб бориши билан кескич олдинги юзасига таъсир этаётган босим натижасида ҳарорат ортиб боради, бу эса ўз навбатида бу эса бўйича ейилиш ортишига олиб келади.

Кесувчи асбобнинг геометрик параметрлари кескич ейилишига қуйидагича таъсир этади:

Олдинги бурчак қийматини маълум чегарагача ортиб бориши билан кескич ейилиши сустлашиб боради, бурчак қийматини янада ортиб бориши кескич ишчи қисмини кўндаланг кесим юзасини кенгайиши натижасида контакт юзаларда ҳароратнинг ортиши ҳисобига ейилиш яна орта бошлайди.

Кескич орқа бурчагининг камайиб бориши кескич орқа юзаси билан заготовка орасидаги ишқаланиш коэффициенти ортиши натижасида кескичнинг ейилишини жадалланишига олиб келади.

Кесувчи асбобнинг юза тозалиги ортиб бориши билан унинг ейилиши камайиб боради, бунга сабаб кескич билан қиринди ва заготовка контакт юзаларидаги ишқаланиш коэффициентини камайишидир.

Кескич олдинги юзасидан ҳосил бўлувчи ўсимта кескични орқа юзаси бўйича ейилишини камайтиради, аммо олдинги юзасида ҳосил бўладиган ўйик параметрларини ортишига олиб келади. Бунга сабаб қиринди материалини кескич чўққисида ҳосил бўлувчи ўсимта билан илашишни ортиши туфайли, қириндини ҳаракатини секинлашишидир

Совутиш ва мойлаш суюқликлари кесиш жараёнида контакт юзалардаги ишқаланиш коэффициентини камайтиради, натижада қиринди ҳосил бўлиш жараёни осонлашди, ейилиш камаяди.

КЕСИШ ТЕЗЛИГИНИ КЕСКИЧ ТУРҒУНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Тадқиқот қилиш жараёнларида, муайян шароитда кесиш тезлиги билан унинг турғунлиги орасидаги боғланиш маълум бирор коэффициент А орқали ифодаланади, яъни:

$$v = \frac{A}{T^m}$$

Бу ифоданинг график кўриниши расм 5 а да кўрсатилган. Графикдан кўринадики, кесиш тезлиги билан унинг турғунлиги орасидаги боғланиш экстремаль ҳарактерга эга бўлиб, унинг ўнг томони гипероолоид эгри чизикдан иборатдир. Бу эгри чизик иккиласмчи логорифмик координаталар сисмавзусида тўғри чизик холатида кўринади. (расм 5 б).

$$v = \frac{A}{T^m}$$

тенглама логарифмлангандан кейин:

$$\lg v = \lg A - m \lg T$$

кўринишга эга бўлади.


Ейилиш эгри чизигини ясаш учун керак бўлган экстремал бирликларни аниқлаш ва $v = \frac{A}{T^m}$ формулани ҳосил қилиш учун муайян шароитда 5 – 6 хил тезликлар танлаб

олинади.

Кесувчи асбобнинг умумий турғунлиги деганда кескичнинг тўла емирилгунча бўлган даврдаги турғунлиги тушунилади. Яъни бу даврнинг охирида кескичнинг чархлаш бефойдадир. Чунки бу вақтда пластинкани кескич танасига ўрнатилиши мустаҳкам бўлмайди.

Агар кескич турғунлиги T ҳарфи билан белгиласак, у ҳолда кескични умумий турғунлиги $\sum KT$ га тенг бўлади.

Бу ерда: K – чархлаш сони.



6– машғулот. Фанни ўқитиш технологияси:

“Кесиши жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва кучлар микдорига таъсир этувчи факторларни ўрганиш” (Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар) мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси


Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	<p>Тайёрлов босқичи:</p> <p>1.1. Дарс мақсади: Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2. Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>1.2.1. Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида ўрганади.</p> <p>1.2.2. Қиринддининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар хақида билади.</p> <p>1.3. Асосий тушунча ва иборалар: пухталаниш, пластик деформация, кесиб олинаётган қатлам.</p> <p>1.4. Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p>	Ўқитувчи

	1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.	
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Машғулот бошланади, Қириндининг чўкиши ва унга таъсир этувчи омиллар ҳақида тушунчалар берилади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гурухда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади. 3.2. Талабалар бу материал қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар. 3.3. барча талабалар баҳс мунозара га киришади. 3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: <ul style="list-style-type: none">• Қиринди деб нимага айтилади?• Қиринди қандай жараёнда ҳосил бўлади?• Қириндининг неча хил тури бор? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Йўниш жараёнида кесиб олинаётган қатламнинг деформацияланишини кузатиш. Қиринди турларини аниқлаш, қириндининг чўкишига кесиш тезлиги, суриш катталиги ва олдинги бурчак қийматининг ўзгаришини таъсирини текшириш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, токарлик дастгохи, кесувчи асбоб, заготовка, хар хил қириндилардан намуналар.

Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқлик микдори, контакт юзалари орасидаги ишқаланиш ва кесиш кучлари таъсирида кесиб олинаётган қатлам эластик ва пластик деформацияланади, яъни сиқилади. Сиқилиш жараёни чўзилиш жараёнига ўхшаш бўлиш қонуниятларини чўзилиш диаграммалари орқали кузатиш мумкин.



Расм 1

Диаграммадан кўринадики, оа – оралиқда намуна эластик деформацияланади.

Бу деформация қайтма характерга эга бўлиб, куч таъсири олингандан кейин намуна ўзининг аввалги ҳолатини эгаллади.

Намунага таъсир этаётган куч миқдорининг ортиб бориши билан намуна пластик деформацияланади. Куч миқдори маълум қийматга етгандан кейин унинг қиймати ортмаса ҳам намуна ўз – ўзидан ўзая бошлади. (ac). Бу хол эластик деформацияни пластик деформацияга айланганидан далолат беради, натижада намуна узилади, (m – нуқта).

Пластик деформацияланиш жараёни материал қатламларини бир – бирига нисбатан силжиш текислигига сурилиши оқибатида юзага келади. Сиқиш жараёнида эса юқорида баён этилган тартибда намунанинг қисқариши намоён бўлади.

Кесиши жараёнида кесувчи асбоб билан қиринди орасидаги ўзаро таъсирни сиқиш жараёнидаги пресс билан намуна орасидаги боғланиш билан таққошлиш мумкин.

В.Д. Кузнецов, В.А. Кривоуховлар кесиши жараёнида қиринди ажralиши қонуниятлари эркин сиқиш қонуниятлари эркин сиқиш қонуниятларига ўхшаш бўлиб, олинаётган қатламнинг эластик ва пластик деформацияланиши мавжуд эканлигини исботлаганлар.

Я.Г.Усачев металлографик усул ёрдамида кесиши зонасида содир бўлувчи пластик деформацияланиш жараёнини чуқурроқ кузатишига мувофиқ бўлади.


Пластик деформация деформацияланган зонани пухталанишига олиб келади. Пухталаниш жараёни деформацияланган қатламни қаттиқлигини ортиши билан характерланади.

ҚИРИНДИ ҲОСИЛ БЎЛИШ ЖАРАЁНИ

И.А.Тиме, кесиши жараёнини кузатиши оқибатида кесиши – кесиб олинаётган қатлам элементларини аста – кесин узлуксиз силжиш жараёнидан иборат эканлигини аниqlаган.

Куйидаги расм 2 да қиринди элементларининг ҳосил бўлишини ифодаловчи схема ифодаланган.

Расм 2



Бошланғич даврда кескичга P – күч қўйилиши билан аввало кескич билан контакт бўлган юза деформациялана бошлайди.

Деформацияланиш жараёни максимал қиймати етганда кесилаётган қатлам АБ текислик бўлаб кўча бошлайди ва қиринди элементини ташкил қиласди. Қириндининг кесиши жараёнидаги суриш йўналишини кўчиш ёки силжиш текислиги деб юритилади.

Бу текислик кесиши текислиги β бурчакни ташкил этади ва бу бурчакка силжиш текислиги дейилади. Қиринди элементининг ҳосил бўлиш жараёнида кесиши кучининг миқдори ортади, у кўчганда эса камаяди. Бу ҳодиса кескичги ва дастгоҳ қатламларига ишлов берилаётган материал томонидан таъсир этаётган миқдорини ўзгариб туришига олиб келади. Қириндининг силжиш бурчаги $\Delta=180^0-\beta$ атрофида бўлади. $145 - 155^0$.

Олдинги бурчакнинг қийматини мусбат ёки манфий бўлишига қараб бурчак $135 - 170^0$ оралиғида бўлиши мумкин. Я.Г. Усачев ўтказган кузатишлар натижасида қириндининг ўзида ҳам умумий кўчиш текислигининг йўналишдан фарқ қилувчи текисликда суришиш содир бўлишини аниқлади. Бу текислик кесиши текислигига ўтказилган уринма β_2 – бурчак ҳосил қиласди.

$$(\beta_2 < \beta_1 < 90^0)$$

А.М. Розенберг кесилаётган қатлам қалинлигини ортиб бориши билан β_1 ва β_2 ларнинг қийматларини ортиб бориши ва $\beta_2 - \beta_1$ билан бурчак қийматларининг айиирмаси доимо $18 - 20^0$ оралиғида бўлишини аниқланади.

ҚИРИНДИ ТУРЛАРИ

Кесиб ишлаш жараёнида ишлов берилаётган материалнинг турига, кесиши режимларига, ишлаш шароитига боғлиқ ҳолда қуидаги турларга бўлинади: элементли, увак, текис узлуксиз ва синик.

Элементлардан ҳосил бўлган қиринди (расм 3) қаттиқ, қовушқоқ бўлмаган материалларни кичик кесиши тезликларида кесиши жараёнида ҳосил бўлади. Увак қиринди – пўлатларни ўртacha тезликларда кесишида ҳосил бўлади. Бу типдаги қиринди ўзаро мустаҳкам ёпишган айрим – айрим элементлардан иборатdir. Қириндининг кесувчи асбоб олдинги юзасига караган томони текис, қарама – қарши томони эса нотекис баланд – пастликлар кўринишига эгадир.

Текис узлуксиз қиринди – мустаҳкамлиги юқори бўлмаган, қовушқоқ материалларни ва юқори тезликларда пўлатларни кесиши жараёнида намоён бўлади. Бу қиринди винтсимон лента ёки яssi ўрам шаклида бўлади.

Синик қиринди – қаттиқ ва мўрт материалларни (чўян, бронза) нормал

шароитларда кесиш вақтида ҳосил бўлиб, бир – бири билан кучсиз илашган ёки алоҳида – алоҳида бўлакчалардан иборат.

ҚИРИНДИНИНГ ЧЎКИШИ

Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи эластик ва пластик деформацияланиш таъсирида кесиб олинаётган қиринди ва ишлов берилаётган юзаларнинг физико – механикавий ҳолатларини ўзгариши намоён бўлади.

Деформацияланган қатламли қисимнинг схематик кўриниши расм 3 да ифодаланган. Кесилаётган қатламнинг пластик деформацияланиш оқибатида кесиб олинаётган қатлам (қиринди) узунлиги l_1 бу қатлам кесиб олинган юза узунлиги l га нисбатан қисқа бўлади, яъни $l_1 < l$ (расм 3). Қириндидинг қисқаришига қириндидинг чўкиши деб юритилади ва чўкиш коэффициенти – R билан характерланади: $R = \frac{l}{l_1}$

Чўкиш коэффициенти доимо $R > 1$ бўлади, чунки $l > l_1$. Бу коэффициент қиймати бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда 6 – 8 га teng бўлиши мумкин. Пластик деформацияланиш жараёнида металл ҳажми ўзгармайди, шунинг учун кесиб олинган қиринди ҳажми кесилиб олиниши керак бўлган қатлам ҳажмига teng бўлиб, унинг узунлиги қисқариши билан эни кенгайди. Қириндидинг кўндаланг кесим юзасининг f_c , кесилаётган юза майдони f – га нисбати, қириндидинг кўндаланг чўкиш коэффициенти дейилади ва қуидагича характерланади, яъни:

$$R = \frac{f_c}{f} = a_1 b_1 / ab$$

бу ерда: a_1 , b_1 - қиринди эни ва кенглиги, мм да:

a , b – қиринди кесиб олинаётган юза эни ва кенглиги, мм да.

Кесиб олиниши керак бўлган қатлам ва қиринди ҳажмларини тенглаштириш натижасида

$$lf = l_1 f_2 \text{ ёки } \frac{l}{l_1} = \frac{f}{f_1}$$

бўйлама кўндаланг чўкиш коэффициентларини бир – бирига тенглигини кўриш мумкин. Қириндисининг чўкиш коэффициентини икки турли метод билан аниқлаш мумкин:

1. Солиштириш методи,
2. Тортиш методи.

Солиштириш методи – олинган қиринди узунлигини у кесиб олинган юза узунлиги билан таққослашга асосланган. Бу ҳолда қириндидинг бўйлама чўкиш коэффициенти

$$K = \frac{l}{l_1} \text{ га teng бўлади.}$$

Тортиш методи – ўлчаш мураккаб бўлган формадаги қиринди ҳосил бўлиш жараёнларида қўлланилади. Бу усулда қириндидинг бирор текисроқ қисми ажратиб олиниб унинг узунлиги ва массаси аниқланади. Ишлов берилаётган материалнинг зичлиги билган ҳолда қириндидинг кўндаланг кесим юзаси ҳисобланади.

$$f_k = \frac{G}{\gamma \cdot l_k}$$

бу ерда: G – қиринди массаси,

γ - материал зичлиги,

l_k - қиринди узунлиги.

Қириндидинг кўндалангига чўкиш коэффициентини ҳисоблаш формуласидан фойдаланган ҳолда:

$$K = \frac{f_k}{f} = \frac{G}{\gamma \cdot l_k \cdot a \cdot b}$$

Қириндininинг чўкиш коэффициенти пластик деформацияланиши миқдорини белгиловчи бирлик сифатида қабул қилиш мумкин.

$$\operatorname{tg}\beta_1 = \frac{\cos\gamma}{K \cdot \sin\gamma}$$

бу ерда: β_1 – кўчиш бурчаги,

K – қириндininинг чўкиш коэффициенти,

γ - кесувчи асбобнинг олдинги бурчаги.

Қириндininинг чўкишга қанча кичик бўлса, кесиш жараёнида пластик деформацияланиши шунча кам бўлади. Демак, кесиш жараёни қулай шароитда боради, иш миқдори камаяди.

Қириндininинг чўкиши яна ишлов берилаётган материалнинг физика – механикавий хоссаси, кесувчи асбобнинг геометрик параметрлари, кесиш режимлари, қўлланилаётган совутиш – мойлаш суюқликларига ҳам боғлиқдир.

ҚИРИНДИННИГ ЧЎКИШГА КЕСИШ РЕЖИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Қуйида биз кесим тезлигини ўзгаришини қириндininинг чўкишга таъсирини тортиш методи билан аниқлашни кўриб чиқамиз. Текширилиши керак бўлган қириндидан узунлиги l (мм) бўлган бирор бўлакни ажратиб олинниг оғирлиги – g (г) тортилади.

Қириндininинг оғирлиги q – билан унинг узунлиги l орасида қуйидагига боғланиш мавжуддир:

$$q = \frac{F_\phi l \cdot p_0}{100}$$

бу ерда: p_0 – заготовка материалининг зичлиги
(пўлатлар учун $p_0=7,8$ г/см³)

$$F_\phi = \frac{100g}{l \cdot p_0}$$

Қириндininинг чўкиш қуйидаги формула орқали хисобланади:

$$\xi_e = \frac{F_\phi}{F_{yp}} = \frac{1000g}{l \cdot p_0 t S}$$

ξ_e – нинг қийматини ҳамма шароитлар учун аниқланиб, қириндininинг чўкишига кесиш тезлигини $\xi_e=f(v)$. Кесиш бурчагини $\xi_0=f(\delta)$, суриш катталигини $\xi_0=f(S)$ ўзгаришини таъсирини график орқали ифодаланилади.

7 – машғулот. Фанни ўқитиши технологияси:

“Кесиш жараёнида хосил бўлган юза тозалигини ўлчаш ва кесиш режимларининг юза тозалигига таъсирини ўрганиш” (Фрезалаш дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида хосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини таъсири) мавзусидаги лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Т/р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вакт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1.Дарс мақсади: Фрезалаш дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида хосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини	Ўқитувчи

	<p>таъсири таъсири ҳақида талабаларга тушунчалар бериш.</p> <p>1.2.Идентив ўқув мақсадлари.</p> <p>Материалларни фрезер дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини (кесиш тезлиги, суриш катталиги, ва кесиш чуқурлиги) таъсирини ўрганиш.</p> <p>1.3.Асосий тушунча ва иборалар: кесиш тезлиги, суриш катталиги, кесиш чуқурлиги</p> <p>1.4.Дарс шакли: гурух ва микрогурухларда.</p> <p>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар: амалий, кўргазмали, виртуал лаборатория.</p> <p>1.6.Керакли жиҳоз ва воситалар: расмлар, плакатлар, видеопректор, видеофильмлар.</p>	
2	<p>Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:</p> <p>2.1. Мавзу эълон қилинади.</p> <p>2.2. Машғулот бошланади, Кесиб ишлаш режимларини кесиш зонасида ҳосил бўлувчи иссиқлик миқдорига таъсири ҳақида тушунчалар берилади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
3	<p>Гуруҳда ишлаш босқичи:</p> <p>3.1. Талабаларга материаллардан намуналар берилади.</p> <p>3.2. Талабалар бу материала қандай қотишмадан таркиб топганлигини аниқлайдилар.</p> <p>3.3. барча талабалар баҳс мунозарага киришади.</p> <p>3.4. Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p>	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</p> <p>4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қўйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ажралиб чиқаётган киринди қаедай омиллар билан характерланади? • Фрезалашда кесиш кучининг асосий ташкил этувчиси қайси формула ёрдамида аниқланади? • Кесиш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликнинг миқдори қайси формула ёрдамида аниқланади? <p>4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.</p>	Ўқитувчи, 15 минут
5	<p>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</p> <p>5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади.</p> <p>5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади.</p> <p>5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	Ўқитувчи, 10 минут

Иш мақсади: Материалларни фрезер дастгоҳларида кесиб ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи куч миқдорига кесиш режимларини (кесиш тезлиги, суриш катталиги, ва кесиш чуқурлиги) таъсирини ўрганиш.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: Дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтари, фрезалаш дастгоҳи, фрезалар, заготовка, динометр – датчик, заготовка ўрнатиш учун стал, тензометрик кучайтиргич, приборлар пульти, осилограф, ўтказгичлар.

КЕСИШ ШАРОИТИДА ҲОСИЛ БЎЛУВЧИ ИССИҚЛИК МИҚДОРИ ВА УНГА КЕСИШ РЕЖИМЛАРИНИ ТАЪСИРИ

Металларни кесиб ишлаш жараёнида содир бўлувчи эластик ва пластик деформацияланиш қиринди билан кескич олдинги юза орасидаги, заготовка билан кескич

орқа юзаси орасидаги ишқаланиш таъсирида маълум миқдорда иссиқлик ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган иссиқлик кесувчи асбобнинг, қириндининг ва ишлов берилаётган деталнинг қизишига олиб келади.

Кесиш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликнинг миқдори (ккал ми) асосан кесиш кучи P_2 ва кесиш тезлигининг қийматига боғлиқ бўлиб, тубандаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = (P_z \cdot v) 427 \quad (1)$$

Иссиқлик миқдорига кесиш жараёнини элементларини таъсирини ҳисобга олувчи формула тубандаги кўринишга эга:

$$Q = C_0 \cdot v^x \cdot t^y \cdot s^z \quad (2)$$

Бу ерда: C_0 – заготовка материалини кескич материалини ва кесиш шароитини ҳисобга олувчи, коэффициент;

v – кесиш тезлиги, м/мин;

t – кесиш чуқурлиги, мм;

s – суриш катталиги, мм/айл;

x, y, z – даражা кўрсаткичлари, у бу кўрсаткичларининг қиймати ишлов берилаётган материал ва кескич материалига ва кесиб ишлаш шароитга боғлиқ.

$$Q_1 = C_{Q_1} \cdot v^x \quad (3)$$

$$Q_2 = C_{Q_2} \cdot t^y \quad (4)$$

$$Q_3 = C_{Q_3} \cdot s^t \quad (5)$$

Материалларни кесиб ишлаш жараёнида ажralиб чиқаётган қиринди билан кесиш олдинги юзаси, кескич орқа юза билан заготовка орасидаги контакт юзалари орасидаги ишқаланиш даврида ўта, мураккаб хар – турли деформацияланиш ҳодисалари номоён бўлиб, бу жараён эзилиш, сўрилиш, кесилиш, қирқилиш каби омиллар билан характерланади.

Кесиш жараёнида кескич қиринди ва ишлов берилаётган заготовка томонидан таъсир этаётган куч миқдорини бартараф этувчи куч қуйилиши шарт. Агарда бу шарт бажарилмаса кесиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

Кесиш жараёнини амалга оширишни таъминлаш учун кесиш жараёнини механизмини, яъни кесиш кесиш кучларини ҳосил бўлиши ва уларни контакт юзаларида юзага келувчи физико – механикавий ҳодисаларга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Куйида фрезалаш жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва уларни фрезага таъсири схемаси келтирилган (расм 1). Торец фрезаларда фрезалаш жараёнида фрезанинг кесувчи қирраларига таъсир этувчи куч миқдори ишлов берилаётган материалларнинг кесилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти билан характерланади.

Фрезалашда кесиш кучининг асосий ташкил этувчиси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_z = \frac{wlp \cdot t^x s_t^y \cdot B^{\Pi} \cdot z}{D^q \cdot \Pi^w} \cdot K_{mp} \quad (1)$$

бу ерда: z – фреза тишлари сони;

Π – фрезанинг айланиш сони, ай/мин;

C_p – ишлов берилаётган материалнинг физико – механик хоссасига, ишлаш шароитига боғлиқ коэффициент;

x, y, n, d, w – даражা кўрсаткичлари;

K_{mp} – ишлов берилаётган материалнинг сифатига боғлиқ бўлган коэффициенти.

Кесиш кучининг қолган ташкил этувчиларининг қийматларин асосий кесиш кучининг миқдорига нисбатан справочниклардан (СП ТМ стр. 292 (42)) аниқланади.

(Горизонтал куч – P_L , вертикаль куч – P_v , радиаль куч – P_y , ўқ бўйига йўнилган куч –

P_x)

P_{y2} – кучининг қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$P_{yz} = \sqrt{P_y^2 + P_z^2} \quad (2)$$

Бу куч миқдорига қараб фреза ўрнатиш учун ишлатиладиганнинг эгилишига қаршилик кўрсатиш қобилияти ҳисобланилади.

Кесиши кучининг ташкил этувчиларини ўзаро нисбати қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал – 1.

Торец ва бармоқсимон фрезалар	$p_n : p_z$	$p_v : p_z$	$p_y : p_z$	$p_x : p_z$
Симметрик кесишида	0,3-0,4	0,85-0,35		
Носимметрик қарама – қарши кесишида	0,6-0,8	0,6-0,7	0,3-0,4	0,5-0,55
Носимметрик бир томонга йўнишида	0,2-0,3	0,9-1,0		

Иш бажариш тартиби.

Диаметри $D=90$ мм бўлган битта тишли торец фреза билан размери $40 \times 80 \times 200$ мм бўлган заготовкани қуйидаги шароитда фрезаланади:

1. $B=40$ мм, $t=1$ мм олиниб s нинг 0,1; 0,2; 0,4; 0,6; 0,8 мм тишга тенг бўлган қийматларида;
2. $B=40$ мм, $s=0,1$ мм тиш олиниб t нинг 1; 2; 3; 3,5; 4 ммли қийматларида;
3. $t=1$ ли, $s=0,1$ тиш олиниб B нинг 10; 20; 30; 40; ммли қийматларида.

УДМ – 600 маркали универсал диаметр ёрдамида таянчлар максимал кучланиш (600 кт) таъсирида бўлган вактда кесиши кучининг ўртача қийматлари ўлчанилади. P_z ; P_y ; P_x ; кучларнинг оний қийматини частотаси 0 – 500 Гц оралиғида ноаниқлик миқдори 10% дан ошмаган ҳолда осилограф ёрдамида кўзатиш мумкин.

Синов натижалари ва синов ўтказилган шароит изланишларга ёзилади.

Олинган натижаларга асосланиб $f_2 = f(s_z)$ орасидаги боғланишлар жадвали иккиласмчи логарифмли сеткада ифодаланади.

6. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ.

Мустақил ишларни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муяннан фаннинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш.
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмларини ўзлаштириш.
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш.
- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш.
- янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш.
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш.
- фаол ва муаммоли ўқитиши услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари.
- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Кесиши жараёнида кесилган юзаларнинг пухталаниш.
2. Мойлаш–совитиши суюқликлари ва уларнинг кесиши жараёнига таъсири.

3. Фрезерлашда ва пармалашда кесиш кучлари ва кесиш кучини хисоблаш формулалари.
4. Кесиб ишлаш жараёнида титраш ва унинг юза тозалигига таъсири.
5. Зенкер ва разверткаларнинг турлари ва геометрияси
6. Агрегат ва ярим автомат дастгоҳлар.

Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш машинасозлик фанларининг асосий йўналишларини пухта ўзлаштиришга қаратилади. Бунда ўрта умумтаълим мактабдари дастуридан келиб чиққан ҳолда уларда келтирилган мавзуу ва йўналишларни ўқувчиларга пухта ўргата билиш масаларилари кўзда тутилади. Талабалар мустақил иш жараёнида тавсия этилган мавзулар бўйича адабиётлар, маълумотномалар ва ахборот технологияларидан фойдаланишни ўрганиш назарда тутилади. Танлаб олинган ёки тавсия этилган мавзулар бўйича мустақил иш хисоботи тузадилар ва тегишлича баҳоланадилар.

Мустақил иш мавзуси бўйича хисобот қўйидаги тартибда тузилади:

- мавзунинг баёни ва назарий маълумотлар келтирилади;
- чизмалар, графиклар ва жадваллар бажарилади;
- мавзуу юзасидан тест ва назорат саволлари тузилади;
- мавзуни ўргатишнинг интерфаол усулларидан бироғ тавсия этилади.